

Ғалла-2024 мавсуми олдидан махсус тактик ўқув-машғулоти ўтказилди



Термиз тумани Фақулодда вазиятлар бўлими ва ФВДҚТ билан ҳаморкликда “Инденим кластер” МЧЖнинг қабул пунктида жорий йилгаи ғалла ўрим йиғими мавсумида фавқулодда вазиятлар ҳамда ёнғинларни олдини олиш борасига бағишланган махсус-тактик ўқув машғулоти ўтказилди.

Мазкур тадбирда Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар, соғлиқни сақлаш, миллий гвардиянинг туман бўлимлари, электр ва газ таъминоти корхоналари масъул ходимлари иштирок этишди.

Ўқув машғулоотида мавсумда фавқулодда вазият содир бўлган тақдирда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ходимларни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш ҳамда бошқа тезкор чора-тадбирларни амалга оширишда ФВДҚТларининг ўзаро ҳаморликдаги ҳаракатини мувофиқлаштириш бўйича синов машқлари бажарилди.